

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 660-ҳадис

660 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ إِنَّ لِي فَرَابَةً أَصِلُّهُمْ وَيَقْطَعُونِي، وَأَحْسِنُ إِلَيْهِمْ وَيُسْبِئُونَ إِلَيَّ، وَأَحَلُّمُ عَنْهُمْ وَيَجْهَلُونَ عَلَيَّ! فَقَالَ: «لَئِنْ كُنْتَ كَمَا قُلْتَ فَكَانَ مُسْلِمٌ تُسْفِهُمُ الْمَلَائِكَةُ، وَلَا يَرَأُ مَعْكَ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى ظَهِيرَةً عَلَيْهِمْ مَا دُمْتَ عَلَى ذَلِكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ . [2558]

وَقَدْ سَبَقَ شَرْحُهُ فِي (بَابِ صِلَةِ الْأَرْحَامِ) [بِرْقَمِ 325].

660. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг қариндошларим бор. Мен уларга силаи раҳм қиласвераман, улар эса мендан узаверишади. Мен уларга яхшилик қиласман, улар эса менга ёмонлик қилишади. Мен уларга ҳалимлик қилсам, улар менга жоҳиллик қилишади», деди. Шунда у зот: «**Агар сен ўзинг айтганингдек бўлсанг, уларга қайноқ кул едиргандек бўласан. Модомики сен шундай давом этар экансан, Аллоҳдан уларга қарши ёрдам сендан узилмайди**», дедилар».

Ином Муслим ривояти.

Шарҳ: «Қайноқ кул едириш» деган ибора «сен уларга берган нарса уларнинг ичини куйдиради» деган маънони билдиради, чунки ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтарилса, ёмонлик қилганлар олов егандек бўлади.

Қариндошликтлик алоқаларини узиш энг катта гуноҳ ва улкан хатолардан, уни мустаҳкамлаш эса энг гўзал солиҳ амаллардандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Рахм (қариндошликтлик)ни узуви

жаннатга кирмайди”.

Аллоҳ уни боғлашга буюрган алоқани узган киши қандай қилиб жаннатга кирсин?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “**Силаи раҳм қилувчи берганга яраша қайтарган эмас. Лекин силаи раҳм қилувчи ўзининг силаи раҳми кесилганда уни боғловчиидир**”, дедилар (Имом Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қариндошлари жуда оз эди. Шунга қарамай у зотга энг кўп душманчилик қилишарди. У зотни ватанларидан қувишди, азиятлар беришди ва уришгача боришди. Аммо Аллоҳ у зотга ғалабани берганда ҳали инсонлар эшитмаган афвни эълон қилдилар.

Силаи раҳм умрни зиёда қилади, унга барака олиб киради ва ажрасавобларни кўпайтиради. У иймон мукаммаллиги, Аллоҳдан қўрқиш ва Қуръонга бўйсуниш белгисидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “**Аллоҳ менга мен биан алоқани узганлар билан уни тиклашни, зулм қилганларни афв қилишни ва маҳрум қилганларга беришни буюрди**”.

Манба: hadis.islom.uz

